





ЧОРВА ҚИШЛОВИНИ НАМУНАДИ УТКАЗАЙЛИК

ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ БАҲАРАЧА КОМПЛЕКСЛАР, КЕНГ ЖОРИЙ ЭТАЙЛИК!

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»

газетларининг бу галги давра суҳбати Ўзбекистон чорвачилик илмий-тектириш институтида бўлиб ўтди.

ФЕРМА ва комплексларда чорва қишлови ҳал қилувчи босқичга кирди. Ярим йўл босиб ўтинди. Айрим жойларда озуқа запаслари тугаб бораётгани ҳам сир эмас. Базини ферма ва комплексларда озуқа цехлари ва бошқа ҳар хил турдаги механизм, ускуналардан фойдаланишда нуқсонларга йўл қўйилди. Лекин булар қишловини муваффақиятлик яқунлашга, гўшт, сўт, еттиштиришни кўпайтириш юзасидан белгиланган режаларнинг беками-кўст амалга оширилишига ҳалақит бермаслиги керак. Ҳозирги кундаги муҳим вазифа — барча имконият ва резервларни ишга солиб, фермаларда чорва моллари маҳсулдорлигини юқори бўлишини таъ-

минлаш, қишловини соз ўтказилишига эришишдан иборатдир. Бунинг учун ишлаб чиқаришга фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини, энг прогрессив усуллари дидлик билан жорий этиш талаб этилади. Ҳар бир раҳбар, мутахассис, чорвалор чўпон шу кунларда ана шу ҳақда қайғурини зарур. Ишчи ҳозирги кун талаблари асосида ташкил этиш, энг яхши натижалар ва кўрсаткичларга эришиш — ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Ўзбекистон чорвачилик илмий-тектириш институти олимлари ва мутахассислари билан ўтказилган давра суҳбатида ана шу масалалар ҳусусида фикр юритилди.

сигирлар ва гунажинларга бериладиган озуқа нормаси 1—2 озуқа бирлигигача кўпайтирилиши мумкин. Сигир туғишига 15 кун қолганда ва бузоқлаганда кейинги 10 кун давомида рациондан силосни тамоман чиқариб ташлаш керак. Бунинг ўрнига, қанчалар озуқалар қўшилиши зарур.

Сигирлар алоҳида боксларда туғдирилса, соғлом бузоқ олиш учун шароит яратилган бўлади. Туғишига 10—12 соат қолганда сигир туғуруқхонадан олиниб, махсус хонага чиқарилиб, боғланмасдан сақлаб турилади. Боксда тутилган бузоқда озуқига бўлган рефлекс тез пайдо бўлади. Бу — ҳар хил ичак, ошқозон касалликларига нисбатан имунитет ҳосил қилишда юм. туғишдан икки ой олдин албатта алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда боқилиши шарт. Чунки бу даврада наслини ўсиши жу. да тезлашади. Айниқса, туғишига 10—12 кун қолганида қориндаги бузоқлар сўт. касига 800—1000 граммга. ча ўсади. Демак, бу даврада молларга бериладиган озуқа составида протеин моддаси, витаминлар, микроэлементлар ва бошқа озуқа моддалари етарли бўлиши зарур.

Бузоқлайдиган сигир соғув суви ичиб қўйса бола ташлайди. Улар кенг, бемалол яйратиладиган хоналарда сақланиши тавсия этилади. Агар сигирлар судтан чиққан даврада «А» витаминидан 500 миңг бирлик, тривитамин «Би» тетравитдан 10 миллион бирлик миқдорда берилса, у ҳолда наслини яхши ривожланиши ва бузоқлашнинг осон кўчишига имконият яратилган бўлади. Ҳар ўн кунда уч мартадан эмлаш керак. Бу тадбир айниқса қиш ва баҳор фаслида амалга оширилса унинг фойдаси каттадир. Чунки бу даврада, молларнинг витаминга эҳтиёжи катта бўлади. Рациондан аста-секин сутни кўпайтиришни озуқаларни кўпайтириш, уларнинг ўрнига юқори сифатли пичан едирини керак. Сигирнинг қанча миқдорда сўт беришига, вазини, семирориқлигига қараб озуқа бериш тавсия этилади. Эртача семирликдан паст бўлган

ИСК-3 майдалагич-аралаштириш механизмига узатилади. Тайёр озуқа массаси бу ердан ИТУ-10 озуқа таркатури механизмига келиб тушади. Ҳамама иш механизми эришмадан ажратилади. Бундан ташқари ИСК-3 агрегати ёрдамида похол, пичан, сомон, чанғалоқ сингари ҳар хил намлиқдаги озуқаларни, кўк бедани, лавлагини ҳам майдалаш, минерал тузаларни аралаштириш, сениш мумкин.

Агар йиллик фермаларда КОРК-15 маркали ускуна комплексларида фойдаланилса, яна ҳам яхши самараларга эришиш турган га. Бу механизм ёрдамида озуқани ҳар қандай турини майдалаб, қорштириб, аралаштириш мумкин. Галаба районидagi Волков номи совхозда бундай ускунадан жуда усталик билан фойдаланиб келмоқдалар. Афсуски, областнинг бошқа бирорта хўжалигида бундай агрегат йўқ.

Ҳозирги пайтда ферма ва комплекслардаги 65 процент сигир паст вакуумли аппаратларда соғилмоқда. Шунинг учун ҳам сигирлар елини.нинг мастит билан касалланиши 5—8 бараварга камайди, сўт соғиб олиш кўпайди.

КЎЗИЛАТИШ МАВСУМИГА ПУХТА ТАЙЁРЛАНАЙЛИК

Чорвачилик бўлими катта илмий ходими С. ҚАЛАНТАРОВга сўз берилди:

— ҚўЧИВОНЛАР ҳаё. да кўзилари олдига эмди. риш учун келтирилади. Бу усулнинг афзаллиги катта. Совлиқлардан соғлом, дуркун қўзи олиш учун аввало уларни шу кунларда алоҳида рацион асосида боқиб талаб этилади. Ҳар бир бригаданинг отарларининг бир қисмида тўрттадан бўлини ташкил этиш зарур. Биринчи бўлинмада эрта индин кўзилайдиган совлиқлар сақланади. Иккинчисиди кели тутилган кўзилар беш кунликка, учинчисиди эса 20 кунликка ўсиши ва ўзини тутиб олишга қараб кичик сақмончи. лардан катта сақмончилар қўлга топирилади. Қўзи 5 кун давомида бир жойда сақланиб, яйловга қўйилмайди. Бу даврада у маълум хонада онаси билан бирга сақланиб боқилади. Оғиз сутини эмган қўзилар касалликка чалинмайди, онасига тез ўрганилади. Янги қўзилар совлиқлар яйловга қўчириб турилади

на ҳар уч-тўрт соат давомида кўзилари олдига эмди. риш учун келтирилади. Бу усулнинг афзаллиги катта. Совлиқлар яйловда хотир- жам ўтлайди. Қўзилар эса яхши сақланади. Соғлом бўлиб ўсади. Қошарларга албатта похол ва чанғалоқ тўшалган бўлиши шарт. Одатда совлиқларнинг кўзилари март ойига тўғри келади. Баҳор ҳавосига ишониб бўлмайди. Бирдан кунларнинг совиби кетинчи, ҳатто қор ёғиши ҳам мумкин. Емгир ёғиб, соғув шамол эсиши ҳам мумкин. Шунинг учун олдиндан иссиқ хоналар тайёрлаб қўйилган бўлиши керак. Етарли миқдорда хашак ва концентрат озуқалар запас бўлиши. Тажрибадан маълумки, кир-адирлардан ўриб олиниб, тайёрланган пичанлар қўзиларга шундайлигича берилса, кўп қисми ниҳуртга чиқиб кетади. Агар бу хашаклар майдаланиш ҳолда берилса, исрофгарчилик нам бўлади. Концентрат озуқалар қўшиб берилса тўғим.

лиги яна ҳам ортади. Аралаш озуқанинг составида 70 процент дағал озуқа ва 30 процент концентрат озуқа бўлади. Агар хўжалиқларда шелуха мавжуд бўлса, концентрат озуқаларни итисод қилиш мақсадида 100 килограмм аралаш озуқа тайёрлаш учун 70 килограмм майдаланган пичан, 15 килограмм шелуха, 15 килограмм кунжар қўшила. ди. Ана шу усулда тайёрланган озуқанинг ҳар юз килограммида 45,5 килограмм озуқа бирлиги ва 7,2 килограмм ҳам бўладиган протеин моддаси бордир.

Ҳозир колхоз ва совхозларнинг ферма ва бўлимларида дағал озуқаларни майдалаш ва уларни тайёр ҳолда беришга отарларга етказиб совишини ташкил этиш юм. туғиш вазифиндир. Агар имконият бор бўлса, бу ишни марказлаштирилган ҳолда ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Бу тадбир мавжуд озуқалардан тежамли фойдаланиш имкониятини беради.

Бу йил қиш қаттиқ келди. Бу ҳар бир чорвалор, чўпон зиммасига, хўжалиқларнинг раҳбарлари, мутахассислари зиммасига катта масъулият қўймоқда. Узоқ йиллар билан фермаларда қўзиларнинг маълумлиги ўтказиш учун ҳамма чораларни кўришимиз керак.

ОЛИМЛАРИМИЗ ТАВСИЯСИ

Суҳбатни биринчи бўлиб Ўзбекистон чорвачилик илмий тектириш институтининг директори, профессор У. НОСИРОВ бошлаб берди:

— ҚИШ ДАВРИДА ҳам чорвачилик ва паррандачилик фермалари ҳамда комплексларида маҳсулдорлигини ҳудди баҳор ва ёз давридагидек бўлишини таъминлашимиз зарур. Бу соҳада олимларимиз бир мунча ишларни амалга оширмоқдалар. Областида кўпгина хўжалиқларда қишлоқнинг муваффақиятли ўтказилишини таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар кўрилади. Бевоқиф мутахассисларимизнинг иштироки ва маслаҳатлари асосида хилма-хил ва сифатли озуқалар тайёрланди. Ҳозир ана шу озуқалардан унумли ва тежамли фойдаланиш устидан назорат қилиб боришмоқда.

Маълумки, ҳар бир колхоз ва совхозда қорамоллар, қўй-эчкилар, чорванинг бошқа турларидан мўлжалдаги маҳсулотини олиш, доимо семир ҳолда бўлишига эришиш ва тўла сақлаб қолиш учун энг аввало шароит яхши бўлиши керак. Озуқа рақioni ҳар бир фермадаги молларнинг ёши, турига қараб тузилиши зарур. Ана шу мақсадда аралаш озуқалардан нег фойдаланиш тавсия этилади.

Бу соҳада Калинин районидagi «Иваново» Оҳангарон районидagi «Ангрен», Оққўрғон районидagi Сегаёзов номи, Урта Чирчиқ районидagi Карл Маркс номи колхозлари яхши тажриба тўплаган. Бу хўжалиқларнинг озуқа цехларида олимларимиз тавсияси асосида тўғимлигини унчалик бўлмаган похол, чанғалоқ, гўзапо ва бошқа пачта чиқиндилари химиявий йўл билан қайта ишланиб, тўғимлиги 2—3 ҳисса ортирилди, сўнгга молларга берилмоқда. Илғор хўжалиқларда аралаш озуқалар асосида молларга илг атала қилиб берилганлиги ҳам яхши натижалар билан яқунлашмоқда. Институтимизда ишлаб чиқилган метод асосида тайёрланган ачиткилардан фойдаланиб,

озуқа бирлигининг қиймати ни янада ошириш мумкин бўлади. Агарда бир килограмм сули уни битта озуқа бирлигига эга бўлиб, 110 грамм оқсил моддаси бор бўлса, ана шу миқдордаги витамин ундан фойдаланиб, беш литр ачитки солиниб, озуқа тайёрланса унинг составидаги озуқа бирлиги 1,9 га етади. Оқсил моддаси эса 500 граммни ташкил этиди.

Қишлоқ даврида молларнинг озуқасига туз қўшиб беришнинг аҳамияти катта эканлигини унутмаслик керак. Агар туз этишмасан молларда модда алмасишунинг бузилади. Маҳсулдорлиги камади. Институтимиз олимлари қиш даврида молларнинг маҳсулдорлигини ошириш мақсадида селекция, молларни озиклантириш ва сақлаш ишларининг юқори самара берадиган методларини, сўт, гўшт, туҳум етиштиришнинг янги технологияларини ишлаб чиқилди. Озуқа цехларининг технологияли линиялари, ем-узашак экинларининг янги, юқори ҳосил берадиган навларини яратилди.

Айни кунларда қишлоқнинг намунали ўтказиш тўғрисида қайғуриш билан биргаликда мустаҳкам озуқа базаси яратиш тўғрисида ҳам ҳозирдан иш олиб бориш керак. Ҳар бир колхоз ва совхозда мавжуд чорванинг эҳтиёжини ҳисобга олиб, ем-хашак экинлари учун ерлар ажратилиш ва бу ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилашга қаратилган зарур тадбирларни кўриш лозим. Сигирларни ёз даврида кўк озуқа, қиш даврида пичан, думбўл сўтаси билан тайёрланган силос ҳамда лавлаг билан тўла таъминлаш мақсадида ем-хашак экинларини экиннинг қуйдаги структураси такли этилади. Беда 75 процент, лавлаг 5 процент, сорго 8 процентгача бўлган майдонни эгаллаши керак.

лар туғишдан икки ой олдин албатта алоҳида гуруҳларга ажратилган ҳолда боқилиши шарт. Чунки бу даврада наслини ўсиши жу. да тезлашади. Айниқса, туғишига 10—12 кун қолганида қориндаги бузоқлар сўт. касига 800—1000 граммга. ча ўсади. Демак, бу даврада молларга бериладиган озуқа составида протеин моддаси, витаминлар, микроэлементлар ва бошқа озуқа моддалари етарли бўлиши зарур.

Бузоқлайдиган сигир соғув суви ичиб қўйса бола ташлайди. Улар кенг, бемалол яйратиладиган хоналарда сақланиши тавсия этилади. Агар сигирлар судтан чиққан даврада «А» витаминидан 500 миңг бирлик, тривитамин «Би» тетравитдан 10 миллион бирлик миқдорда берилса, у ҳолда наслини яхши ривожланиши ва бузоқлашнинг осон кўчишига имконият яратилган бўлади. Ҳар ўн кунда уч мартадан эмлаш керак. Бу тадбир айниқса қиш ва баҳор фаслида амалга оширилса унинг фойдаси каттадир. Чунки бу даврада, молларнинг витаминга эҳтиёжи катта бўлади. Рациондан аста-секин сутни кўпайтиришни озуқаларни кўпайтириш, уларнинг ўрнига юқори сифатли пичан едирини керак. Сигирнинг қанча миқдорда сўт беришига, вазини, семирориқлигига қараб озуқа бериш тавсия этилади. Эртача семирликдан паст бўлган

ФЕРМАЛАРГА ЯНГИ МАШИНАЛАР

Механизация лабораториясининг мудири А. РАЖАБОВ ҳикоя қилади:

АВРИМ фермалар техникага камбағал, уларда озуқа майдалаш қуввати кам бўлган РСС-6, НГК-30, «Волгар-5» сингари маркали машиналардан фойдаланилади, холос. Табиийки, бу машиналар ферманинг эҳтиёжини тўла қондирадиган миқдордаги озуқаларни тайёрлаб бериш қувватига эга эмас. Бунинг устига нам. лиги 25 процентдан юқори бўлган похол, сомон, пичани бу машиналар майдалай олмайд. Илоҳи йўқ бўлган, дан сўнг дағал хашакларни майдаламасдан шундайлигича молларга берадилар. Оқибатда бу хашакларнинг кўп қисми ниҳуртга чиқиб кетади.

Шунинг учун ҳам ана шу сингари эскириб қолган агрегатларни янгиларига, замонавий линияларга, комплексларни механизмларга алмаштириш вақти келиб ет.

ди. Ҳозир озуқани бузоқлаб майдалаб берадиган ИРТ-165-03 ёки ИРТ-80 маркали янги машиналар мавжуд. Улардан фойдаланишда қўл кучи талаб этилмайди. Масалан, УРТ-165-03 механизмида бир соат мобайнида нам. лиги 40 процентгача бўлган 165 центнергача дағал хашакни майдалаш мумкин. Сифати ҳам яхши бўлади.

Бундай механизмлар ҳозирги пайтда Калинин районидagi «Рассвет» совхози ва Тошкент районидagi «Ўзбекистон ССР -50 йиллик» колхозида муваффақият билан қўлланилмоқда. Ёки ЛИС-3 линиясини олиб кўрилик. Бу янгилик, ҳали кўпчиликка маълум эмас. Линиянинг иши шундай йўлга қўйилди: трицикли озуқа бузоқка ағдарилади ва у ердан о-оз миқдорда ва бир текис

НЕГА «ТАНДЕМ» ЭЪТИБОРДАН ЧЕТДА?



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР Давлат муқофотининг лауреати А. ЧУДНАЯ сўт соғувчи муҳнатининг машаққатлари, фермалардаги ишларни кенг механизациялаштириш хусусида гапирди.

Ҳозирги қиш даврида сўт соғувчининг меҳнати айниқса оғир. Ахир ўзингиз ўйланг, эрталабки соғим тонг отмасдан бошланади. Шунинг учун ҳам фермадан озуқа яшайдиган сўт соғувчиларни иш жойларига, албатта, автотубсуларда олиб келиб қўйиш шарт. Соғимга кечиб келиш мумкин эмас. Сигир бир вақтда соғилмишга одатланиб қолган. Агар режим бузилса, у табиийки, сутини камайтириб юборади.

Сигирнинг соғинга тайёрлаш ҳам гоят муҳим аҳамиятга эгадир. Соғувчи ишга киришгандан олдин сўт соғим аппаратларини синчиклаб текшириб кўриши, уларнинг соғилмишга ишонч ҳосил қилган, сўнгга сигирларга концентрат озуқалар беришини бошлаш лозим. Қайси сигир қанча сўт беради, шунга қараб қанча озуқа бериш керак, бунинг

соғувчининг ўзи яхши билади. Шунинг учун ҳам нормани сўт соғувчи белгиланиши маълум. Соғиндан олдин сигирнинг елиндарини ҳўлланган соғич билан артиб, албатта, массаж қилиш зарур. Қиш даврида айниқса, бу тадбир ишонч аҳамияти катта. Сигир тинчланади. Сутини тўла беради. Елиндан аппаратларни олган, айрим сўт соғувчилар қолган сутни қўлда соғиб олишни афзал кўрадилар. Бизнингча, бу ишни ҳам аппарат ёрдамида бажариш фойдалидир. Бунинг учун соғич сўричларини уфрлардан енгиллига тортиб олиб, елини бироз массаж қилиш керак. Бу унчалик кўп вақтнинг талаб қилмайди. Ана шундан сўнг яна аппаратни ўрнатиб, сўнгги литр сутни соғиб олиш керак. Энг қаймоқли сутлар соғилади шун. да.

Сўт соғувчи, шунингдек, молбоқарини ишнинг ҳам кузатиб бориши талаб этилади. Молбоқар унинг гуруҳидаги сигирларга рақioniдаги озуқаларни тўла тарқатиши, йўқиб, бунинг албатта, билиб бориши лозим. Қиш даврида эса мавсумидидаги нисбатан сигирларни кўпроқ озиклантириш фойдалидир. Айниқса, тунда озиклантиришнинг ҳосияти катта. Агарда сигир нечасан 11 дан 12 гача қўшумча озиклантирилса, пичан ёки сенаж берилса, бу ҳолда эрталабки соғин анча баракати бўлади.

Соғувчининг меҳнати машаққатли эканлигини ҳаммаимиз яхши биламиз. Унинг ишда юқори кўрсаткичларга эришишини таъминлаш учун эса фермаларда «тандем» куришларини ишлаб чиқаришга кенг жорий қилиш лозим. Бундай куришнинг биринчи нусхаси 1957 йил.

«Красный водопад» экспериментал базасида ўрнатилган эди. Илмий ходимлар билан биргаликда бу ишда мен ҳам қатнашиб, янги агрегатнинг ўзлаштирилишига оми.қўшни хисса қўшганман. Ана шундан бунинг ордан қанчадан қанча вақт ўтди. «Тандем» агрегати ўзининг афзаллигини кўрсатди. Афсуски, шунга қарамадан областнинг колхоз ва совхозлари фермаларида унинг жорий этиш талаб даражасида эмас. Нега у эътибордан четда? Тўғри, Галаба районидagi Волков номи совхозда бу агрегатдан яхши фойдаланилмоқдалар. Ленин областда кейинги йилларда қўлаб замонавий усулдаги сўт-товар комплекслари қурилиб, ишга туширилди-ку! Нега уларда бундай агрегатлардан кенг фойдаланилмапти. Ваҳоланки, «тандем» қўлланилган жойда ишчи кучлари тежаллади. Масалан, Волков номи совхозда «тандем» ёрдамида ҳар бир сўт соғувчи 65 сигирни соғмоқда. «Красный водопад» экспериментал базасида эса сўт соғувчи Эмина Суянова «тандем»да ўғли Риза билан биргаликда 220 сигирни соғишди. Латифа Эргашева эса ўз ёрдамчиси билан биргаликда 172 сигирга қарамоқда.

Шахсан менинг ўзим кейинги йилларда ёрдамчим билан биргаликда 172 бош ситирни соғдим. 1983 йилда улардан 697 тонна сўт соғиб олдм. Ҳар бошга ҳисоблаганда 5158 килограмм данга тўғри келади. 1 цент. нер сутнинг таннархи 11 сўмга тушди.

Булардан чиқадиган ҳулоса шунки, «тандем» аппарати имкониятларидан комплекс ва фермаларда оғилонга фойдалана билиш керак. Бу давр талабидир.

Суратда: А. Чудная ўз шоғирлари билан. А. Мальцев фотоси.

Давра суҳбати материалларни «ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарининг муҳбирлари тайёрладилар.

ЧЕТ ЭЛ ЯНГИЛИКЛАРИ

ГИТЛЕРЧИЛАР ФАШИЗМИ УСТИДАН ҚОЗОНИЛГАН ҒАЛАБАНИНГ 40 ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА

БЕРЛИН. (ТАСС). Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети, ГДР Давлат Кенгаши ва Министрлар Совети гитлерчи фашизмга устидан қозонилган ғалабанинг 40 йиллик шарафини таъминлаш учун маълум халқи нацистлар ҳукмронлигиндан озод этилганларнинг 40 йиллик бағрам қилиш тўғрисида қарор қабул қилди. Ҳужжатда шу нарса таъкидланади, немиш халқи фашизмдан озод этилган кун — 1945 йилнинг 8 майи Совет Иттифоқи ва унинг гитлеризмга қарши коалициядаги иттифочилари эришган ҳамда жаҳоншумул тарихий аҳамиятга эга бўлган ғалабани нишонлаш юзасидан ГДРнинг Букари деб эълон қилини. Шу кун биз Совет Иттифоқи қаҳрамонларини ва унинг шавкатли армиясини,

фашизмга ва урушга қарши барча курашчиларни, яшн. рин шароитда, турмаларда ва қамқо лагерларида, ян. кинчи жаҳон уруши фронтларида ва муҳожирликда фашизмни тугатиш учун жанг қилган, тинчлик ва озоқлик учун жан берган немиш антифашистларини хурмат билан эсга оламиз. Германия Демократик Республикасининг халқи гитлерчи фашизмга устидан қозонилган ғалабанинг ва немиш халқи нацистлар ваҳ. шийлигиндан озод этилганлигини 40 йиллигини Совет Иттифоқи билан, тинчлик, халқлар ҳамжиҳатлиги, социал таракқий ва инсонпарварлиги учун курашуви барча кинилар билан биргаликда нишонлайди, дейилади қарорда.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАҚЛАР

● ПРАГА. Бу ерда Чехословакия Журналистлар союзи билан СССР Журналистлар союзи ўртасида 1985 йилда ҳамкорлик қилиш тўғрисида битим шунингнинг иккала қардош соҳилларининг бу йил ўтказилгандаги конкрет тадбирлари протоколи имзоланди. СССР Журналистлар союзи делегациясини ЧКП Марказий Комитети Президиуми аъзолигига кандидат, ЧКП Марказий Комитети секретари Ян Фойтик қабул қилди. Суҳбат чоғида иккала мамлакат журналистлари ҳамкорлигини янада кенгайтириш имкониятлари муҳонама қилинди. ● БОНН. ГСДП правлениси Президиуми бўлиб ўтган мажлисда ядровий ва космик қуроллар юзасидан бўладиган Совет-Америка музокараларининг мазмуни ва мақсадлари ҳусусида Женевада эришилган ахдиномани табриқлади. Бу ерда

эълон қилинган ахборотда таъкидланадиганича, бу ахдиномани қуролларнинг пойғасини тўхтатиш йўлидаги дастлабки муҳим қадам деб баҳолаш мумкин. ГСДП правлениси Президиуми, деб таъкидланади ахборотда, космик ва ядровий қуролларга — стратегик ва ўртача олинди. ка учирладиغان қуролларга тааллуқли масалаларнинг комплекс музокараларининг асосий мазмуни бўлиб қолди ва шу билан бирга бу масалаларнинг ҳаммаси ўз. аро боғлиқ ҳоҳда кўриб чиқилиши ва ҳал этилиши ҳусусида, СССР билан АҚШ ўртасидаги ахдлашуви табриқлади. ● ИСТАМБУЛ. Туркияда ўтган йили нархлар 50 процентдан зиёд ошди. Давлат статистика институтининг маълумотларига қўра, 1984 йилда санаот маҳсулотини ва озиқ-овқат маҳсулотининг деярли барча турлари анча қимматлашди.

Қимматчилигининг ошиши меҳнатчилар кенг табақалари, биринчи набатда қам. маош оладиган ишчи ва хизматчиларнинг турмуш даражаси пасайишига олиб келди. Янги йилнинг 1 январидан бошлаб жорий этилган қўшимча даромад солиғи меҳнаткаш аҳоли гарди. ка янада оғир юк бўлиб тушмоқда. ● НЬЮ-ЙОРК. АҚШдаги энг катта компаниялардан бири — «Бетлехем» стил корпорейшн» пўлат эритиш компанияси ўзининг Пенсильвания ва Нью-Йорк штатларидаги филиаллари корхоналаридан минг ишчи ишдан бўшатилиш эълон қилди. Бундан аввал компания филиал корхоналаридан 600 га яқин ишчининг бўшатиш юзасидан ахди. номияни эълон қилди бундай шартнома тадбирларини «рационализация қилиш» зарурлиги билан изоҳламоқдалар. (ТАСС).

ГВАТЕМАЛА ВАТАНПАРВАРЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТЛАРИ

МЕХИКО. (ТАСС). Гватемаладан олинган хабарларга қараганда, Марказий Америкадаги шу мамлакатнинг қўзғолончи қуроли кучлари — америкапараст генерал Мехия режимига қарши кетма-кет муваффақиятли операциялар ўтказилди. Эль-Кили департаментидagi шид. дати жанглар натижасида Гватемала миллий революцион бирлигига кирувчи армияга қарши партизан диктатура қўшиланишга қарши 9 та операция ўтказилди.

13 кишини қириб ташлаганлар ва ўндан ортиқ кишини жароҳатланганлар. Партизанлар Небах муниципалитетидagi армия казармасига ҳам ҳужум қилиб, кўп миқдорда қурол ва ўқ-дорини ўлка олганлар. Гватемала миллий революцион бирлигига кирувчи қуроли халқ ташкилоти вакилларининг айтишича, бу ташкилотнинг жангчилари шу йил бошланганидан бери диктатура қўшиланишга қарши 9 та операция ўтказилди.

Уч кун мобайнида улар Малакатан муниципалитетидagi катта ҳарбий база яқинидаги йўлнинг стратегик муҳим участкасини уч кунга қўлдан бермай турганлар. Бир қанча қишлоқларда партизанлар митинг ва намойишлар ўтказишди. Улар халққа қарши диктатура ўтказмоқчи бўлган найрангбозликдан иборат сайловда аҳолини қатнамасликка чақирдилар. Партизанлар барча гватемалликларга мурожаат этиб, манфур генерал Мехия диктатурасини ағдариб ташлаш учун, мамлакатда демократияни тиклаш учун қўлга қурол олиб курашишга чақирдилар. да режимни кенг қўламада қўллаб-қўлтиқлаб келмоқда. халқ кураши қўламини чўчи қолган Америка империализми бугунги кунда ҳам халққа зид диктатура ағдариб ташланишига йўл қўймадлиқ учун зўр бериб уринмоқда. Аммо Чили халқи, деди ХДХ раҳбари, чинакам озодлик ва демократия учун. Пиночет диктатурасини ағдариб ташлаш учун кураш олиб боришга азму қарор берган.

ЧИЛИ ХАЛҚИГА МУРОЖААТ

БУЭНОС-АЙРЕС. (ТАСС). Коммунистларни, социалистлар ва Чилининг бошқа сўл доираларини бирлаштирган Халқ демократик ҳаракати (ХДХ) Чили халқига мурожаат этиб, манфур Пиночет диктатурасига қарши курашини кучайтиришга даъват қилди.

Чилидаги Пиночет режими — АҚШ империализми юзга келтирган режимдир, деб таъкидлади Х. Санфунте. Америка империализми бутун ўтган йиллар мобайни-



- ♦ ГУЛЛАБ ТУРСИН УЛКАМИЗ
- ♦ КЕЛЕС ЯЯЛОВЛАРИ БОЙЛИГИ
- ♦ ЭКСПОЗИЦИОНЛАР ҲИКОЯ ҚИЛАДИ
- ♦ МЕВАСИ ҲАМ, ПУСТИ ҲАМ ДОРИ
- ♦ ҚУТҚАРИЛГАН БУРГУТ
- ♦ БУШ ВАҚТИНГИЗДА ЕЧИНГ

ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОН!

«Табиат ва инсон» саҳифасининг келгуси сонидан нималар ҳақида ўқишни истар эдингиз? Таклиф ва мулоҳазаларингизни кутамиз.

МОСКВАДАН ХАТ

### ҲАВО МУСАФФО БЎЛСИН!

Саноат корхоналари ва энергетик қурилмалардан чиқадиган зарарли газлардан ҳавони муҳофаза қилиш муҳим социал-иқтисодий масалалардан ҳисобланади. СССР Халқ ҳўжалиги ютуқлари кўргазмасида ана шу муаммага бағишланган экспозиция очилди. «Гидрометеорология ва табиатни назорат қилиш» павильонининг «Ҳаво мусаффолигини сақлаш ва ундан фойдаланишни таъминлаш» деб номланган кўргазманинг бир бўлими Тошкентда таъин қилинган. Территориюда биринчи ора саноат корхоналари, қоздан тибб ҳўжалиги турли тармоқларига оид материаллар бор. Олмалиқ кон-металлургия комбинатида атмосферага олтингургурт саноат чиқити чиқиш ҳўли юз бермоқда. Лекин бунга қарши қатъий кураш бошланиб, дастлабки муваффақиятлар қўлга киритилди.

Экспозициядаги маълумотларга кўра областдаги 5 та шаҳарда янги илмий асосланган махсус лабораториялар ишлаб турибди, 22 пунктда назорат ишлари олиб борилаётган. Шунингдек, атмосфера софлиги самолёт ва вертолётлар орқали ҳам назорат қилинапти.

Кўргазмада ҳаво софлигини назорат қилдиган қўл приборлар намойиш этилмоқда. Улар орасида ИВА-1 анализатори бор. Тузиллиши содда, ихчам бўлган ҳам прибордан дала шароитида ҳам фойдаланиш мумкин.

М. ЛАРЬКИН. Москва.

## ДОНДАН ҚОЛИШМАС ЧЎЛ ГИЁҲЛАРИ

КЕЛЕС ЯЯЛОВЛАРИ САМАРАДОРЛИГИ ҚАНДАЙ ОШИРИЛДИ?

Кандим, черкез, изень, чоғон—бу номлар кўпчилиги миз учун иссиқ кўмликларда, сувиз чўлларда битадиган, гўёки ҳеч кимга биров бир наф келтирмайдиган ёввойи ўсимликларнинг тури ҳоло...

Республика Фанлар академиясининг ботаника институтининг фойдаланиши экспозицияда бундай ёввойи чўл ўтларидан бойлам-бойлам қилиб қўйилган, ҳатто янтоқ ва оддий шувўқ биринчи даражали ем-хашак ҳисобланмасда, лекин, қоракўл зотли қўйлар гўшт, жүн (мўйна) берадиган чорва учун асосий озуға ҳисобланади. Буларнинг чўлда чорвачилик билан шугулланиб бўлмади.

Аббос Вакиров Келес массивида жойлашган Охунбобоев номи қўйчилик совхозини қабул қилиб олаётганида, директор сифатида 130 минг гектар майдонда ястаниб ётган совхоз ерлари билан танишаётганида ана шунлар ҳақида кўп ўйлади. Юқорида номлари тилга олинган ўтлар илгирлари Келес яяловларида сира ҳам кўзга ташланмаган эди. Бор-йўри чўл қиёғ ўти ҳамда туркистон яллиндан бошқа «озуға бойлиги» йўқ эди бу чўлда!

Чўл чорвадорлар ўша йилларда ботаникаларга мурожаат қилишга қарор қилишди. Республикада улардан бошқа ҳеч ким ёввойи ўсимликлар билан шугулланмасди-да.

Чорвадорлар институт ўсимликлардан ёввойи ўсимликларнинг тури, нави ва агротехникасига оид асосий маълумотларни талаб қилмасалар ҳам ҳар ҳолда уларнинг қимматли маслаҳатлари ва дўстона ерданларидан умидвор эдилар.

Бизга мурожаат қилиб жуда тўғри қилинганди. — дейди институт директори Жўра Камолович Саидов, Ингирма йил олдинги воқеаларни ёдга олар экан. — Нурота ярим чўл зонасида ташкил қилинган, доимий лабораторияга эга бўлган станция-мизда ўша пайтлардаёқ чўл ўсимликлари, шунингдек, озуқабон ўсимликлар ҳақида бирмунча тажриба тўлланган эди.

Изень билан янтоқни хўшхўрлиги, тўйимлилиги, учун бекорга бедага тенглаштиришмайди. Негаки изень озуқаси таркибида 15 процентга кўруқ оқсил — протеин, 3 процентга яқин ёғ, ундан тайёрланган ливанининг ҳар бир центрида — эликка яқин озуқа бирлиги бор!

Қўйларни асосий озуқаси ҳисобланган шувўқ ҳам тўйимли ҳисобланади. Бизнинг чўл ва ярим чўл зоналарида уларнинг 60 хили ўсади.

Ўсимлик борки — қўллаб озуқа моддаларининг қонидир. Ҳатто чўлдаги эфемерлар ҳам қўлпана маданий ўсимликлардан устун туради. Қўнғирбош ўтдан тайёрланган ливанининг 100 килограмми — 92 озуқа бирлигига тенг. Бу — сараланган суягининг кучи демаскидир. Ялдириб, арпагани қабилир ҳам шу қатори.

Қўлчиликка маълумки, сараланган дон билан оғилхонада қўй боқиш мумкин, лекин натижа яйловда етиштирилганлик бўлмайди. Шунинг учун ҳам Қўзилқумда етиштирилган қўй гўшти Янги Зеландиядан келтирилатганидан ҳам жиҳатдан устунлик қилади.

Бир неча йил аввал, тажриба тариқасида Ўзбекистондан 1000 бош қоракўл қўйларни қўйатириш учун мутлақо яйловлари бўлмаган Молдавия республикасига жўнатилган эди. Минг ури-

нишгани билан қўтилган натижа чиқмади. 1968—1969 йилларнинг қаҳратон қишида Қўзилқумда қишлатган отарлардаги қоракўл қўйларни майдаланган дон билан озиқлантирилган эди. Қўйлар семирish ўрнига, акси-ча касаллана бошлади.

Бир қарашда галатироқ туюлаётган ушбу мисоллар қўйчиловларга жуда яхши маълум. Чўл жониворларига чўл озуқаси керак. Демак, қўйчиликда махсусдорликни оширишнинг, юқори сортли гўшт-ва жүн етиштиришнинг бирдан бир йўли табиий чўл яяловларини кенгайтиришдан иборат. Тошкент ботаниклари Келес массивида ана шу ишни амалга оширмақданди.

Бу ишларнинг ҳаммаси, олимларнинг Охунбобоев номи совхоз территориясида айтирлик учна катта бўлмаган участкасида бошланди. Шу ерда биргина изенининг 18 хил турли синаб қўрилди. Чўлнинг ана ўнлаб турли табиий ўсимликларини тиниқжондан ўтди. Бундай қўридан асосий мақсад битта, у ҳам бўлса шу зонага мос энг ҳосилдор ва наделанг порлоқ ўсимлик турини танлаб олиш эди.

Келес чўли учун изень жуда мос ўсимлик эканлиги аниқланди. Ана шундан сўнг маҳаллий яйловлар шартини яхшилаш ишлари бошланди. Совхоз маъмурияти тажрибани ўтказиш учун бутун бошли бўлим яқратди. Аввал уруғлар экиб қўйлатириди. Кейинчалик чўлни ям-яшил қўнатор қилиш учун етадиган уруғлик танланди. Ҳозир уруғликка мўлжалланган майдон 700 гектар жойни қамраб олган. Бу фақатгина ўз эҳтиёжларининггина амас, балки қўшни Чиноз райониданги Жамбул номи совхоз ҳўжалигини ҳам бир мунча уруғлик билан таъминлашга етади.

Ҳўжаликнинг ўзида 4.5 минг гектар майдон изензорга айлантирилган. Улар орасига эса бир қанча озуқабон ўт аралашмалари ҳам қўшиб экилган. Бу участкалардаги ҳосил гектаридан 35—40 центнерданни ташкил этмоқда. Бу табиий шартнодигандан 10 баравар кўп демаскидир.

Сирасини айтганда, биз, тубдан ўзгартириш қилмай, замонавий агротехника ва механизацияга таяниб Келес чўли табиатини бир мунча ўзига мос ўсимликлар билан бойитдик, ҳоло... — дейди биология фанлари кандидати Нурман Темирбоев.

20 йил мобайнида Охунбобоев номи совхозда қўйларнинг сони 28 мингдан 52 минг бошга етди, ҳар юз бош она қўйдан 80 ўрига 117 тадан қўзи олина бошлади. Бунга озуқа базаси мустаҳкамланганлиги, туфайлигина эришилди.

Эндиликда ҳўжалик экилган майдонлардан отарларни яратиб боқишда ва дағал ҳашак тайёрлашда ҳам самарали фойдаланмоқда. Изень уруғчилиги эса қўшимча юқори рентабелли соҳага айланди. Уруғлик сотишдан совхоз ҳам йили ярим миллион сўмдан ортиқ фойда олмоқда. Ана қўшимча қилиб шунга айтиш мумкинки, ярим чўл яяловларини ботаник реконструкция қилиш тажрибаси республика Қишлоқ ҳўжалиги министрлиги томонидан қўллаб-қувватланди ва бошқа қўйчилик зоналарида тadbир этиш учун тавсия қилинди.

В. ЮДИН.

Редактор Н. НАСИМОВ.

## АСРАЙЛИК, АВАЙЛАЙЛИК!

Ўтган йили жамиятнинг йиллик ҳисобот мажлиси бўлди. У ўз-ўзини танқиди руҳида ўтди. Чунки қўллаб-қўлланган илмий текшириш институтлари, корхона ва муассасалар, 30 дан ортиқ ўрта махсуд бўлган районимизда ўқувчи, ўсимликлар дунёсини ўрганиш, ешларни она-Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш бўйича бажариладиган ишлар мақтовга арзигулик эмас эди.

Шундан сўнг йил бошида ноқ ишни янгича ташкил қилдик. Район газетаси «Коммунизм тоғи»да табиат муҳофазасига доир энг яхши мақолаларга конкурс эълон қилдик. Илмий муассасалар, мактаблар билан алоқани мустаҳкамладик. Олимлар, биология ўқитувчилари билан ҳамкорликда иш плани тузиб чиқдик.

Планга мувофиқ педагогларимиз ўқувчилари районимиз территориясидаги диққатга сазовор жойлар, ўсимликлар дунёсини ўрганиш бўйича экспедициялар ташкил қилдилар. Чунки инсонда табиатга муҳаббатини унинг болалигиданоқ шакллантириш керак.

Мақтаб ўқувчиларининг эҳтирослари эса Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника боғи, Вавилов номидаги Бўтунитифоқ ўсимликшунослик институтининг Ўрта Осиё филиали, ўсимликларини ҳимоя қилиш селекция институти билан таъмин қилинди.

Шунингдек, биз жамиятнинг бошланғич ташкилотларида табиатшунослар клублари ташкил этишга жиддий эътибор бердик. Ҳозирнинг ўзида районда 10 та ана

шундай клуб, мавжуд Уларнинг аъзолари сони 3200 кишидан ортиб кетди.

Тошкент қишлоқ ҳўжалиги институтида эса табиатни муҳофаза қилиш халқ университети фаолият кўрсатмоқда. Студентлар ўсимликшунослик институти олимлари билан биргаликда илмий экспедицияларда иштирок этмоқдалар. Институтининг бўлим мудири Вячеслав Арзуманов районимизнинг ўсимликлари ҳақида илмий мақолалар ёзиб, жамиятнинг аъзолари билан турли мавзуларда кизқарли суҳбатлар ўтказмоқда.

Районимизда республика аҳамиятига молик бўлган қарағайзор мавжуд. У селекция институти яқинида жойлашган. Бу ерда Белорусиядан келтирилган 230 туп ноёб қарағай туркираб

қўсмоқда. Уни ана шундай яшатиш учун олимлар жуда кўп меҳнат сарфладилар. Аввалига бу дарахтни иқлимлаштириш мумкин эмас, деган хулосага келинган эди. Лекин биологлар ва ботаникларнинг кўп йиллик самарали меҳнати зое кетмади. Ҳозир бу табиат музейини турли республикалардан келган меҳмонлар, чет эллик олимлар томоша қилмоқдалар, ҳайратланмоқдалар.

Саноат корхоналарининг қўлайиб бораётганлиги, техника ривожланиш атмосфера ҳавосига янги таъсир ўтказмоқда. Биз шунинг учун ҳам жамият қишида назорат секторини ташкил қилганмиш. Унинг аъзолари район территориясидаги корхоналарнинг чиқиндиларини, зарарли моддаларини нормадан ортиб кетмаслигини на-

зорат қилиб борадилар. Секторга махсус автолаборатория ажратилган. Яқинда Тошкент ГРЭСидан чиқадиган зарарли моддалар сувни ифлослантираётгани ва бу нормадан ортиб кетганлиги маълум бўлди. Биз корхона раҳбарларидан бу ҳолини тездара бартараф қилишларини талаб қилдик. Бунга сабаб сув тозаловчи мосламалар ремонтталаб бўлиб қолганлигида экан. Тез фурсатда тегишли чоралар қўрилди.

Биз бундан кейин ҳам ишларни она-Ватанга муҳаббат, унинг бойлик ва наъматларини авайлаш руҳида тарбиялэвирамиз. Халқимизда «гуллаган ўлка» деган ибора бор. Бизнинг серқўш юртимиз доним шундай яшасин, унга озор етказэаётган, поймол қилаётган кишиларга мурасисэ бўлайлик.

М. ТОИРОВ, Табиатни муҳофаза қилиш Оржоникиди райони жамиятнинг раиси.

бизан қанотларини қоқиб ливандорчилигини изҳор қилди.

Суратда: Ғофур Алиев бургути билан.

А. Абалиев фотоси.

### УРГУТ БУРГУТИ

Ғофур Алиев Бек-обод районидан «Ленинград» совхозининг аъзоси. У буш қолди дегунча тоғ бағрига дам олишга ошпақди. Бундан уч йил аввал

Самарқанд областининг Ургут тоғларида дўслари билан яраланган бургут половини топиб олди. Қўш холсизланган, қанотлари қаттиқ шикастланган эди.

Ғофурнинг парвариишлари, муолажалари билан бургут соғайиб кетди. Ҳозир уч ёшида. Қанотларининг узунлиги бир метрдан ошди. Бургут ҳалоскорини кўриши



### ЭНГ КИЧИК...

Сичконларнинг янриклари, митилари ҳам бор. Чунки, этрус сичкони шундай жимит жониворки, вази почта ортиқ критикаси оғирлигича ҳам келмайди. У Европанинг турли мамлакатларида тарқалган. Аммо мустақил тур сифатида яқиндагина тан олинди.

Бу жажжи жонивор биологларни жуда қизиктириб қолди. Сабоби... у эининг юрагини бошқара олар экан. Масалан, ҳаво иссиқ, емиш етэриги бўлса, яъни ҳаёт фаолиятининг актива дэврида бу сичкончанинг юраги минутига 1300 марта уради. Аммо кун совуб, емиш озаёганда у ўзига хос бир уйқуга кетэдики, бунда юрак уриши ҳам сезилмайди. Сичконча шундай ҳолатда узоқ вақт — то шароит яхшилэнгунча қадар ётавериши мумкин. Олимлар ҳозир ана шу жимит жониворнинг юрак уришини қандай бошқаришини ўрганмоқдалар.

Ноз-неъмат сифатида танаввул қилинадиган анорниким билмайди дейсиз? Қадимдан халқ табиатида анордан кенг қўлланилган. Кишилар бу шифобахш неъмат туғайли кўп касалликлардан фойда топиб қўлланган. XVIII асрда яшаб табиблик қилган Саид Муҳаммад Хасрат у ҳақда талайгина маълумотлар қолдирган. Хасрат моҳир табиб бўлиши билан бирга яхшигина шoir ҳам эди. Шу ўринда унинг «Анор» газалидан бир матла келтириш жоиздир.

Ширин анор эрур хўл—совуқ хар вақт, Бу сўзга табиблар сўздан қўнжат.

Аччиғидан сафро бўлур торумор.

Ундан ёмон хиллар туғилмас энхор.

Асал билан қўшиб агар ширинин, Яраға суриса, йўқотар барин.

Чарқоқ, қулоқ оғриқ, оғиз яраси, Меъда иллати ҳам кетар барчаси.

Аччиғи сийдаки ҳайдайдн кўпроқ, Майхўши наздимида яна яхшироқ.

Аччиғи зарардир еса томоққа, Йўтал бўлса, шовшмас эл ҳам ёмоққа.

Аччиқ, ширин яна у майхўш анор, Хафакон ҳайдовчи хосиятга ёр.

## АНОР—ШИФОБАХШ

Ҳақиқатан ҳам, анорнинг натор шифобахш хусусиятлари мавжуд. Унинг поя пўстлоғи таркибида пельтерин моддаси бор. Бундан ташқари мевасининг пўсти таркибида ошловчи моддалар, маржон донларида эса лимон кислотаси, «С» витамини ва бошқа моддалар мавжуд. Анор ҳақида табибати илмининг обонанони Абу Али Ибн Сино шундай ёзган эди: «...анорнинг уруғи асал билан бирга тиш оғриғига ва қулоқ оғриғига фойда келтиради... нордон-чўчук анор меъданинг яллиғланшига фойда қилади, пешоб ҳайдовчидир. Нордон-чўчук анор иситмаларга ахши, аммо ширини ўтйир иситма билан оғриган кишиларга зарар қилади. Жигарга яхши».

Халқ тобобатида анор пўстлоғи, меваси, мева пўсти ва гули қўтир, йўтал, ич кетиш, дисентерия, сариқ к-

даловлашда ҳам ишлатилади. Қон тўхта-тувчи сифатида (қон тўдурганда, мишдан қон оққан-да), шунингдек: зангила хасталиғига яхши наф беради. Анор мевасининг шираси иштаҳа очиш учун ҳам ичи-

Мева пўстидан қайнатма тайёрлаш учун бир стакан сувга майдаланган мева пўстидан бир чой қошиқ солиб қайнатилди ва ички соат чамасида тиндириб қўйилади. Сўнгра докада сузилади. Таъйир бўлган қайнатмалар қоринда айтиб ўтилган касалликларни даволаш учун кунига ўт маҳал таомдан олдин бир ош қошиқда ичиш тавсия қилинади.

Медицинада мева пўстидан танин ва мева ширасидан лимон кислотаси олинади. Умуман, ҳозирги замон медицинасида анордан қўллаб-препаратлар тайёрланмоқда.

М. МИРЗАШАРИПОВ, дорихўнос.

### ҚОР ҚЎЗИҚОРИНИ

Закерпатьяе областида қор ёғди. Совуқ бўлишига қарамай, Межгорск районида кўп одамлар қўлларига сават, челек, халта олиб қўзиқорини тершига олтендилар.

Лекин бу томонларда ҳеч ким бундай пайта қўзиқорин бўлганини эслаб олмайди. Оп-поқ қор тағида қўзиқоринлар мана-мана деб кўзга ташланиб турарди. Қўзиқоринлар фобларини чалқаштириб юборишдими, ёки бу ўсимликларда қандайдир биологик едашиш юз бердими ёки совуқке чидамли хиллари пайдо бўлдики, нимэ бўлмасин бу антика ҳодиса эди. Ҳеч қачон Закерпатьяеда бунчалик кўп оқ қўзиқорин бўлмаган.

### ТЕЛЕВИДЕНИЕ

- БУГУН
- 9.00 «Время»
  - 9.40 Мақтаб ўқувчиларининг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин мукофотининг лауреати, СССР ФА вице-президенти, академик Ю. А. Овчинников билан учрашуви.
  - 10.20 Москва АССР Девлат «Уларнинг» ашула ва раис ансамблининг концерти.
  - 11.00 «Она». Бадийн фильм.
  - 12.40 Янгиликлар.
  - 15.00 Янгиликлар.
  - 15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг шижаси». Жужятли фильмлар: «Подмосковье кураччилари», «Ивановна».
  - 16.00 «Рус тили».
  - 16.30 «Эрмондаги ўтлоқда».

- Хореография композиция.
- 16.55 «Шаҳарга кундузлар керакми?» Телефильм.
  - 17.25 Совет қўшиқларидан концерт.
  - 17.55 «Эртак хузурда меймонда».
  - 19.15 «Дунё воқеалари».
  - 19.35 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
  - 20.05 «Михаил Исаковский билан учрашуви». Ҳўжжатли фильм.
  - 20.25 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Еш ижрочиларнинг IV Бўтунитифоқ телевизион конкурси. Финал.
  - 21.30 «Время».
  - 22.05 «Қўшиқ бизга ҳамиша ҳамроҳ». Еш ижрочилар IV Бўтунитифоқ телевизион конкурсининг давоми.
  - 23.20 «Дунё воқеалари».
  - 23.35 Чанги спорти бўйича жаҳон чемпионати. 30 км. Эркеклар. Австриядан олиб кўрсатилди.

- 10.20 Болалар учун фильм. «Буюқ ҳайвон ўргатувчи».
- 11.30 Ўқув программаси (рус).
- 12.00 «Молчанов кўчасидеги Молчанова». Телефильм.
- 12.30 Ўқув программаси.
- 13.00 Янгиликлар.
- 18.00 Янгиликлар.
- 18.15 Кўйирчоқ фильм.
- 18.30 «Ешлик» студияси курсэади. «Сенинг эмомоншидн».
- 19.00 Сайловлар олдидан.
- «Агитпунт циркларини». Тошкент шаҳар Собир Раҳимов райониданги 40-сайлов участкасида репортаж.
- 19.30 «Ахборот» (рус).
- 19.45 «Кўрал тундрасида». Телефильм.
- 20.00 «Дунё воқеалари».
- 20.30 «Ахборот».
- 20.50 Дуторчи қизлар ансамблининг концерти.
- 21.30 Москва «Время».
- 22.05 «СССР халқ артисти, кинорежиссёр Шухрат Аббосов билан учрашуви» (рус).
- 23.30 Янгиликлар.

### ЭНГ КАТТА

Австралиялик олимлар қитъанинг ғарбидеги Мерисон дарёси водийсида жуда қадим замонда яшаган наён изини кўришди.

Из тушган жойдаги чўкинди жинсларни анализ қилиш натижасида бундай баҳайбат чаёнлар планетамизда 400 миллион йил аввал яшагани маълум бўлди. Уларнинг ҳозирги чаёнларга ҳеч қандай «қешлиги» йўқ. Бу тур бундан 200 миллион йил аввал йўқолиб кетган.

Олимларнинг фикрича 2 метрлик чаён океандан куруқликка чиққан дастлабки жониворлардан биридир.

### КРОССВОРД

БЎИГА: 1. Сувда ва қуруқликда яшовчи жонивор. 2. Ўзбекистонда иқлимлаштирилган мўйнали жонивор. 3. Янгилик тун қуши. 4. Таңгали бадиларининг бир тури. 5. Чоққир сахро ҳайвони. 8. Юқори сифатли мўйнали жонивор. 9. Йиринк денгиз ҳайвони. 12. Рангбаран патли кўрам қўш. 14. Осен жанубида яшовчи танаси узун тўти тури. 15. Териси игналар билан қўпланган кемирғучи. 16. Вўрининг ичкинчи номи. 20. Тумшўғи узун, думи майин жузли «айёр» йиртқич. 22. Кичик сайроқи қўшлар туркуми. 23. Урмонда яшайдиган ёввойи хўжиз. 26. Энг улкан денгиз ҳайвони.

ЭНИГА: 6. Сайроқи қўш.

Тузувчи Ф. ОРИПОВ.

7. Танаси япалоқ денгиз балғи. 10. Тўда-тўда бўлиб яшовчи митти ҳашарот. 11. «Галдон» қўш. 13. Тўғай ва чўлларда яшовчи энг чоққир йиртқич. 17. Вўйин узун, троник мамлакатларда тарқалган ҳайвон. 18. Энг улкан ялон. 19. Урначли иш ҳайвони. 21. Қимматбахо мўйнали йиртқич. 22. Танаси касасимон судралувчи ҳайвон. 23. Айрим турлари медицинада қўлланиладиган чувалчангсимон жонивор. 24. Парда қанотли ҳашаротлардан бири. 25. Дунёнинг ҳамма ерида тарқалган парранда. 27. Уй ҳайвони. 28. Иш ҳайвони. 29. Йиринк ва кучли йиртқич.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ / "Ташкентская правда" /

ОРГАН ТАШКЕНТСКОГО ОБКОМА КОММУНИСТИЧЕСКОЙ ПАРТИИ ЎЗБЕКИСТАНА И ОБЛАСТНОГО СОВЕТА НАРОДНЫХ ДЕПУТАТОВ

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

Редактор қабулхонаси—325351; редактор ўринбосарлари—335885; 325747, 337916, 325748; маъсул секретари—334808, 325553; секретари—325750. БЎЛИМЛАР: партия турмуши—325778; саноат, капитал қурилиш ва транспорт—325749; қишлоқ ҳўжалиги—325647; пропаганда—325556; совет қурилиши—325645; фан, маданият ва олий ўқув юртлари—325553; адабиёт ва санъат—325767; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик—325733; хатлар ва оммавий ишлар—334048, 325354; фельетонлар—325556; фотомухбир—325894.

Р. 09029. А. 1623. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли басматхонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС: 64684. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12